

## ДАХЛДОРЛИК ТУНГУСИННИНГ ЖУМАГА КЕЛИШИ

Душаев Акбаржон Жаникулович

Гулистон давлат университети

“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Дахлдорлик тунгусининг юзага келиши ижтимоий, ворисий, миллий, умуминсоний жиҳатларга эга эканлиги ҳамда турли шахсларда турлича ифодасини топиши жамият ҳаётига таъсири масалалари мақолада атрофлича ўз аксини топган.

**Калит сўзлар:** дахлдорлик тунгуси, ворисийлик йўли, мўжизавий бирлик, ворислик қонуни, тараққиёт, тарбия ўчоғи, ахлоқий мувозанат, барқарорлик, шахсни камолоти.

**Аннотация:** В статье подробно отражен вопрос возникновения чувства принадлежности, того, что оно имеет социальный, национальный и универсальный аспекты, а также его влияние на жизнь общества у разных индивидов.

**Ключевые слова:** чувство принадлежности, путь преемственности, чудесное единство, закон преемственности, прогресс, центр образования, моральное равновесие, устойчивость, зрелость личности.

**Annotation:** This article reflects in detail the issue of the emergence of a sense of belonging, the fact that it has social, national and universal aspects, as well as its influence on the life of society among different individuals.

**Key words:** sense of belonging, path of continuity, wonderful unity, law of succession, progress, center of education, moral balance, stability, personality maturity.

Дахлдорлик тунгуси аввало, ворисийлик йўли билан, ҳар кимнинг ўзи билан бирга дунёга келган бўлади. Буни “Ҳар бир туғилган гўдак ислом фитрати (яккахудоликка ишончинг туғма ҳолати, исломий табиат)да туғилади...” – мазмунидаги ҳадисни “Боланинг ҳусн, чиройи онанинг қорнидалигида чизилади”, – деган дунёвий жумлалар билан ҳамоҳангликда кўришимиз мумкин. Бу илк нафасларданок Она билан чакалокнинг (дунёда ҳеч бир гул Она фарзандига қилган табассумданда гўзалроқ бўлмас) мўжизавий бирлиги ва муносабатларида ўз аломатларини кўрсатади (фарзанднинг она қорнида эшитган нарсалари унинг эсида қолиши). Вақт ҳаракатининг таъсирида индивид, биологик жиҳатдан ўзини, яқинларини, унга нисбатан муносабат кўрсатаётганларни ва атроф оламни таниб боради. Бу жараёнда унинг дахлдорлик доираси кўлам ва миқёс жиҳатдан кенгайиб боради. Энди, дахлдорлик доираси билан параллел равишда, дахлдорлик тунгусини ҳам юзага келтириш, ривожлантириш ва сақлаш ижтимоий ҳаётдаги таълим-тарбия ишидир. Маълумки, ҳаётда инсонга қайси йўналишда ижтимоий таъсир кўрсатилса, у шундай андозага монанд камол топади. Унинг онги ва шуурига яхшилик уруғлари сочилиб, маънавият дарёсидан сув ичса, маърифат ниҳоли бўй кўрсатиб, эзгулик мевасини беради. Эзгуликнинг ўзи кенг миқёсли умуминсоний дахлдорликдир.

Ўз шахси ва бошқалар қадрини англаб етиши учун инсоннинг камолоти давомида шаклланган маънавий етуқлиги ва ахлоқий дунёси эзгуликка хизмат қилиши, юксак ижтимоий сифатларга эга бўлиши, унинг ўзи эса ҳаётнинг моҳияти ва мақсадини тўғри англайдиган даражада тарбияланган бўлмоғи лозим<sup>11</sup>.

Шахсда маънавий жиҳатдан етуқлик, ахлоқий дунёси эзгу, ижтимоий сифатлари юксак, кенг фалсафий дунёқарашга эга, ҳаётнинг мазмун-моҳиятини, мақсадини ижобий белгилай олиш қобилиятини тўғри тарбиялаш зарур бўлиб, у “... ўзининг бундан ортиқ баркамол бўлолмайдиган олий камолотига, (яъни ақлга) эришса, у(инсон)нинг моҳияти, ...унинг фаолияти (ҳаракати) дир. Назарий ақл хайрли нарсага эга бўлиши учун инсонга хизмат қилиш мақсади зарур. Инсон моҳияти ақлдадир. Ақлнинг моҳияти у (ақл)нинг ҳаракати (фаолияти)дадир. Инсонга табиий (табиат ато этган) авлоддан-авлодга ўтиб ворислик йўли ила эришадиган фикрлаш қобилиятидан ташқари яна амалий маҳоратлар зарур”.<sup>12</sup> Бу ўз навбатида ворисийлик орқали миллатлараро муносабатларда уйғунлашиб боради.

“...Ҳар қандай ҳолатда бўлгани каби ривожланишда ҳам ворислик қонуни амал қилади. Унинг мазмуни шундаки, барча жараёнлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки улар шу йўналишда мавжуд бўлган олдинчилари билан боғлиқ бўлади. Унинг негизида юзага келади, ундан кейинги тараққиёт учун хизмат қилиши мумкин бўлган элементларни қабул қилиш асосида, янгиси шакллана бошлайди. Бу жараён ворислик қонуни ҳисобланади”<sup>13</sup>.

Дахлдорлик туйғуси юзага чиқишида оилавий доирани, авлоддан авлодга ворисийлик йўлини инобатга олиш зарур. Фикримиз тасдиғи сифатида юқоридаги таҳлит муносабатлар(элементлар детерменистик боғланиши)га доир айрим мисолларни таҳлил қилсак.

Биз дахлдорлик туйғусининг кўлами ва миқёсига кўра турларини ажратган эдик. Унга биноан дахлдорликнинг, миллий, минтақавий, умуминсоний жиҳатлари фарқланади. Ушбу ёндашувни индуктив ёки дедуктив нуқтаи назардан методологик анализ қилиш мумкин.

Биринчидан, инсон муайян оиланинг аъзоси экан, у шу оилага дахлдорлик туйғуси билан ўз яқинларининг ифтихорига айланиши, шунингдек, оиласи унга суяниб, фахрланиб, ҳаммадан афзал кўришлари муқаррарки дахлдорлик ҳиссидан келиб чиқади. Оилавий муносабатларда меҳр-муҳаббат деб аталган илоҳий муқаддас туйғу бор экан, дахлдорлик ҳисси албатта, барҳаёт ва бардавом ривожланади. Оила жамиятда ўзининг жумладан:

1. Биологик – а) табиатда тартиб; б) авлодлар давомийлиги;
2. Ижтимоий-маънавий – а) тарбия ўчоғи; б) ахлоқий мувозанатнинг барқарорлигини таъминлаш; с) жамиятда шахсни камол топтириш; д) фарзандларда

<sup>11</sup> Назаров Қ. Аксиология – қадриятлар фалсафаси. – Т.: “Маънавият”, 1998. – Б. 68.

<sup>12</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. Арасту фалсафаси, -Т.: “А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти”, 1993. – Б. 104-105.

<sup>13</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. И.Эргашев таҳрири остида. – Т.: “Академия”, 2005. – Б. 216.

дахлдорлик туйғуси ва бошқа фазилатларни шакллантириш каби функцияларини бажаради.

Иккинчидан, Оила ўзи истиқомат қилаётган ҳудуд – маҳаллага дахлдор бўлиб, унинг ривожига ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари бўйлаб ҳисса қўшади. Маҳалланинг ахлоқий, иқтисодий мақоми ўша жамиятнинг ва халқнинг юзи, миллатнинг ор – номуси, маънавиятига тугилган кўзгу бўлиб, у миллийликка дахлдор.

Учинчидан, Миллийликнинг муайян минтақадаги аҳамияти, роли ҳамда вазни мавжуд экан, у минтақавийлик орқали умуминсонийликка дахлдордир.

Тўртинчидан, мазкур нуктада таъкидлаймизки, алоҳида олинган шахс дахлдорлигидан юзлаб, минглаб инсонлар фаолиятига қараб, ягона ижтимоий бирликлар ҳақида хулоса чиқарилиши ва ундаги феноменологик, менталитет каби қирралардан умумжаҳон масшабда андоза олиниши дахлдорлик туйғуси кўлами ва миқёсига кўра тузилиши (миллий ва умуминсонийлик жиҳатлари)нинг индуктив ва дедуктив йўналишдаги изоҳини англатади ва у тадқиқот давомида кенгроқ таҳлил этиладиган мулоҳазаларимизнинг бир қисмидир.

Мушоҳада қилиб кўрилса, Инсон ўзининг шахсий ва оилавий дахлдорлигидан келиб чиқиб, миллий ва умуминсоний дахлдорликка қараб борар экан, миллат ва халқ эътироф этган ҳамда умуминсоният тан олган муносабатлар, қадриятлар, ижтимоий ахлоқий мезонлар мажмуи билан танишади. Бутун ҳаёти давомида шахсий фазилатларини комил инсон даражасига кўтариш, ён-атрофдагилар, жамият, замон ва унда воқеликка айланаётган ҳодисаларнинг моҳиятини (эссенциалистик), ижтимоий аҳамиятини англаб боради. Ушбу муносабатларда дахлдорлик туйғусининг миллий ва умуминсоний жиҳатлари тадрижийлик асосида юзага келади.

Айтиш мумкинки, воқеа-ҳодисаларга нисбатан ўзининг теран ақл, мушоҳадали тафаккури билан мустақил муносабатини билдира оладиган, доимо хушёр, огоҳ , сергак бўлган лаёқатли шахсдан миллий, умуминсоний кўламдаги дахлдорлик туйғусини кутиш мумкин.

Миллий жиҳатларда, унда ўсиш, ривожланиш, кучайиш, камситилиш, таҳқирланиш, янгиланиш ва улуғланишлар кузатилган. Миллат мавжуд экан, у доим ҳаракатда, меҳнатда, курашда, бошқа халқлар билан муайян ижтимоий – иқтисодий, маданий муносабатларга киришиб, ўзигагина оид менталитетидан келиб чиқиб, ҳислатлар, анъаналар, урф-одатлар, қадриятлар, туйғулар, хулқ-атвор, жамоавий кўникмаларни тўхтовсиз ривожлантириб боради. Халқ ҳаётига сингиб кетган худди шу қоидаларни инобатга олиб, миллат ва умуминсониятни яқинлаштирувчи, биродарлаштирувчи, халқчиллик, инсонпарварлик, байналминаллик ва умумбашарий эзгуликларнинг формуласига айланган дахлдорликнинг миллий ва умуминсоний жиҳатларини жамият ҳаётига янада кенгроқ татбиқ этиш барча даврларнинг долзарб вазифаларидандир.

Дахлдорлик туйғуси юзага келишининг миллий ва умуминсоний жиҳатлари ҳар бир халқнинг миллий менталитетидан келиб чиқиб, турлича намоён бўлади. Муайян

миллат (ўзбек)нинг афзал миллий (меҳмондўстлик, каттага ҳурмат – кичикка иззат, андиша каби) хусусиятлари умуминсонийликка дахлдор бўлса, бошқа бир миллат (япон)нинг афзал миллий (ватанпарварлик, маданият, синтоизм – миллийлик, миллат ва миллий давлат ривожланишига ибрат олиш даражасида дахлдорлик) хусусиятлари эса, ундан бошқа миллатлар ва минтакаларга намуна ўлароқ, ўзига хос феноменидир. Келтирилган мисолдаги сингари хоссалар халқаро иқтисодий ва маданий муносабатлар, алоқалар таъсирида миллатдан миллатга ўтиб, сайқалланиб, янгиланиб, халқлар андоза олиши мумкин бўлган комплекс, синкретик тарзда дахлдорликнинг умуминсоний жиҳатларини юзага келтиради. Ҳар бир миллат менталитетидаги дахлдорлик туйғуси юзага келиши учун зарурий жиҳатлар нечоғлик миллий тарзда ифодаланишидан қатъий назар, умуминсоният учун беғаразлигича қолиб, халқлар ҳамдўстлигига хизмат қилади.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир.-Т.:“Ўзбекистон”, 2015 й.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017 й.
3. Форобий Абу Наср. Фазилат, Бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Т: “Ёзувчи”, 2002 й.
4. Хусайн воиз Кошифий. Ахлоқи муҳсиний. -Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2011 й.
5. Назаров Қ. Аксиология – қадриятлар фалсафаси. – Т.: “Маънавият”, 1998. – Б. 68.
6. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. Арасту фалсафаси, -Т.: “А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти”, 1993. – Б. 104-105.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. И.Эргашев таҳрири остида. – Т.: “Академия”, 2005. – Б. 216.

## MAHALLIY VA XORIJIY SOYA NAVLARI DON TARKIBINING SIFAT KO'RSATGICHLARIGA BIOSTIMULYATORLAR QO'LLASHNING TA'SIRINI O'RGANISH

Iminov Abduvali Abdumannobovich <sup>1</sup>,

Bo'riboev Bekzod Yetmish o'g'li<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Iminov Abduvali Abdumannobovich, qishloq xo'jaligi fanlari doktori, professor  
Toshkent Davlat Agrar Universiteti, O'zbekiston

<sup>2</sup>Bo'riboev Bekzod Yetmish o'g'li, doktorantura talabasi, O'simliklar Genetik Resurslari  
Ilmiy-tadqiqot Instituti, O'zbekiston  
[bekzod9225@gmail.com](mailto:bekzod9225@gmail.com)

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada Soya o'simligining ahamiyati, tajriba usuli va sharoiti hamda biostimulyatorlarning o'simlik don sifatiga ta'siri aniqlangan. Uz gumin, Fitavak, Yer malhami biostimulyatorlar qo'llanilgan variantlar bo'yicha o'simlikning don tarkibdagi namlik mahaliy Nafis navda 5,0-5,6 % gacha, xorijiy Vilana navda esa 5,0-5,2% ni, Oqsil miqdor mahaliy Nafis 38,2-40,8 gr, xorijiy Vilana navda esa 37,6-39,5 gr, Moy midori mahaliy Nafis navda 22,0-22,9 gr gacha, xorijiy Vilana navda esa 22,3-23,4 gr ni tashkil etganligi anqlangan bo'lib bunda eng yaxshi natija Yer malhami biostimulyatori qo'llanilgan variantdan olingan.

**Kalit so'zlar:** Soya, Biostimulyatorlar, Fitovak, Yer malxami, Uz gumin, Don tarkibi.

## STUDY OF THE INFLUENCE OF THE APPLICATION OF BIOSTIMULATORS ON THE QUALITY INDICATORS OF GRAIN COMPOSITION OF LOCAL AND FOREIGN SOY VARIETIES

**Annotation:** In this article, the importance of Soybean plant, experimental method and conditions, and the effect of biostimulators on the quality of plant grain are determined. Uz humin, Fitavak, Yerhami biostimulants, depending on the options used, the moisture content of the grain of the plant is up to 5.0-5.6% in the local Nafis variety, and 5.0-5.2% in the foreign Vilana variety, protein content local Nafis 38.2-40.8 g, foreign Vilana variety 37.6-39.5 g, Moy midori local Nafis variety 22.0-22.9 g, and foreign Vilana variety 22.3-23.4 It was found that it was gr, and the best result was obtained from the variant using the Earth ointment biostimulator.

**Key words:** Soybean, Biostimulants, Fitovak, Earth ointment, Uz humin, Grain composition.

## ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЯ ПРИМЕНЕНИЯ БИОСТИМУЛЯТОРОВ НА КАЧЕСТВЕННЫЕ ПОКАЗАТЕЛИ ЗЕРНОВОГО СОСТАВА МЕСТНЫХ И ЗАРУБЕЖНЫХ СОРТОВ СОИ

**Аннотация:** В данной статье определено значение растения сои, метода и условий проведения опыта, а также влияние биостимуляторов на качество зерна растения. Биостимуляторы Уз Хумин, Фитавак, Ерхами, в зависимости от

используемых вариантов, влажность зерна растения до 5,0-5,6% у местного сорта Нафис, и 5,0-5,2% у зарубежного сорта Вилана, содержание белка местное. Нафис 38,2-40,8 г, зарубежный сорт Вилана 37,6-39,5 г, Мой мидори местный сорт Нафис 22,0-22,9 г и зарубежный сорт Вилана 22,3-23,4. Установлено, что он был гр, а лучший результат получен на варианте с использованием Биостимулятор земляная мазь.

**Ключевые слова:** Соя, биостимуляторы, Фитовак, Земляная мазь, Уз Гумин, Зерновой состав.

### KIRISH

Soya o'simligining muhimligi uning donini biokimyoviy tarkibi bilan, oqsilining miqdori va sifati bilan bog'lanadi. Yer yuzida soya har xil tuproq-iqlim sharoitiga moslasha olish xususiyatga ega, soya er yuzi mintaqalarida 60° janubiy kenglikdan 60° shimoliy kenglikkacha ekiladi, yoki er yuzi geografiasining 2/3 qismida ekiladi. Soya Xitoy va Hindiston davlatlaridan kelib chiqib, oxirgi 50 yilda Amerika va Yevropaga keng tarqalgan. Soya donini etishtirish er yuzida muntazam oshmoqda. Bunday tez o'sishi soya donini oziq-ovqatda, em-xashak va texnikada qo'llanilishiga hamda iqtisodiy samaradorligiga bog'liqdir.

So'ya bir gektardan 24 s/ga don hosili uchun tuproqdan 124 kg azot, 22 kg fosfor, 102 kg kaliy, 34 kg kalsiy, 23 kg oltingugurt, 191 g rux, 18 g magniy, 207 g marganes, 865 g temir va 75 g mis olib chiqib ketadi. Azotga bo'lgan talabini 65-85 % ini simbioz evaziga to'planadigan havo azoti bilan qoplaydi. Mineral o'g'it qo'llanilsa havo azotini o'zlashtirish jarayoni susayadi, shuning uchun mineral azotning me'yori 30-50 kg/ga oshirmaslik tavsiya etiladi [2].

So'ya o'simligi ildizida azotabakteriyalar simbioz holda faoliyat ko'rsatib, havodan tabiiy ravishda azotni o'zlashtirib, unumdorligini oshiradi [12].

Erkin yashovchi azotfiksatorlarning bir yilda 1 ga yerga 10-15 kg atrofida azot to'plashi, dukkakli o'simliklar va tuganak bakteriyalar faoliyati natijasida turli o'simliklarning ildiz va yer usti qismlarida yiliga har gektariga 60-90 kg azot to'planadi [5].

Unum stimulyatorini kuzgi bug'doyda qo'llash texnologiyasi ishlab chiqilib, Toshkent, Farg'ona va Namangan viloyatlari tuproq-iqlim sharoitlarida bug'doy urug'iga ekish oldidan Unum bilan 1,0 ml/t, tuplash-naychalash davrida 8,0-12,0 ml/ga me'yorlarda ishlov berilganda bug'doyning unib chiqishi tezlashib, o'sish-rivojlanishi jadallashgan va don hosili 1,7-7,5 s/ga ortib, uning sifati yaxshilangan [1].

Ekinlardan yuqori hosil yetishtirish uchun o'simlikni ildizi orqali oziqlantirishni boshqarish bilan fotosintez jadalligini oshirish lozim. Ya'ni, o'simliklarda fotosintez jadalligi ortishi tuproq bilan bog'liq bo'lib, bargi orqali oziqlantirishda tuproqdan oziqa elementlar o'zlashtirilishi kamayadi va ildizdan oziqlantirish hosilga yaxshi samara bermaydi [4].

Mikrobiologik preparatlar qo'llanilganda, o'simlik ildizi tomonidan ajraladigan moddalar uglevod, aminokislota, organik kislota va faol fermentlarni o'simlikning o'sishi va rivojlanishiga sarflanib, aminokislota, nuklein kislota, vitamin va gormonlar bilan ta'minlaydi, natijada o'simlik hayoti uchun qulay sharoit yaratiladi, bu esa hosildorlik va uning sifatiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi [6].

Rossiyada olib borilgan tadqiqotlarda Albit stimulyatori bilan qishloq xo'jalik ekinlariga ishlov berilganda zararli hasharotlarning salbiy ta'siri kamayganligi aniqlangan [7].

Qishloq xo'jalik ekinlarida fotosintez jarayoning kechishi, o'simlik tarkibidagi fermentlar faolligi, aminokislotalar, nuklein kislotalar va oqsil biosintezi, fitogormonlar almashinuvi va moddalar qayta taqsimotiga kimyoviy va biologik asosga ega bo'lgan turli xil o'sishni sozlovchi moddalar ijobiy ta'sir etishi ko'pgina olimlar tomonidan qayd etilgan [9, 10].

O'stiruvchi faol moddalar agrotsenozda kechadigan fiziologik jarayonlaridan fotosintez mahsuldorligi, oziqa moddalar to'planishi va taqsimoti, nafas olish, o'sishi, rivojlanish va hosil to'plashiga samarali ta'sir ko'rsatadi [8].

Adabiyotlardan ma'lumki, turli xil o'simliklarning oziqa moddalar to'planishi yaxshilanishiga, hujayralar bo'linishiga va o'sishini jadallashtirishga hamda hosil sifatining ortishiga auksin xususiyatiga ega bo'lgan stimulyatorlar ijobiy ta'sir etishi aniqlangan [3].

A.V.Blagoveshenskiy o'tkazgan tadqiqotlarda, turli xil kimyoviy moddalar o'rganilgan. Jumladan, ulardan organik kislotalar bo'lgan asporagen, gelyutamen, olma, yantar, vinnaya, fumarovaya kislotalari stimulyatorlar bo'lib, fermentlar faolligi va sifatini oshirgan hamda o'simlik hayotidagi eng muhim jarayon moddalar almashinuvini tezlashtirgani natijasida o'simliklarning o'sishi va rivojlanishi jadallashgan [11].

### **TAJIRIBA O'TKAZISH JOYI VA USLUBIYATI**

Tajribalar Toshkent davlat agrar universiteti loyihalarida olib borildi. Hamda dala tajribalar Toshkent davlat agrar universiteti o'quv-tajriba xo'jaligida olib borilayapti. Tajriba joyi Toshkent viloyatining Qibray tumanida joylashgan. Tuprog'i tipik bo'z tuproq, sho'rlanmagan, mexanik tarkibi o'rta, sizot suvlari 5 m dan chuqur joylashgan. tuproq tarkibida o'rtacha 1,08-1,02% chirindi, azot 0,080-0,07; fosfor 0,14-0,15% bo'lib oziqa moddalar bilan ta'minlanishi past. Dala tajribalari 6 qaytariqda paykallar uzunligi 10 m, eni 2,8 m. 4 ta qatorli bo'lib, har bir paykalning umumiy maydoni 28,0 m<sup>2</sup>, shundan o'rtadagi 2 ta qator hisobli, chetdagi 2 ta qator himoya qatorlari qilib belgilandi. Variantlar randomizatsiya usulida joylashtirilgan. Dala tajribalarini o'tkazish, hisoblashlar va kuzatishlar «qishloq xo'jalik ekinlari navlarini sinash davlat komissiyasining uslubiy ko'llanmasi (1989)», «dala tajribalarini o'tkazish uslublari (O'ZPITI, 2014)» va B.A.Dospexovning "Metodika polevogo opita" asosida amalga oshirildi. Barg sathi A.A.Nichiporovich uslubida, barg kesmalari orqali aniqlandi, buning uchun himoya qatorlaridan 5 ta dan tipik o'simlik olinib, tahlil qilindi, barg sathi amal davrida 4 ta barg paydo bo'lganda, gullashda va dukkakash fazasida aniqlandi. shu davrlarda tunganaklar soni va vazni G.S.Posipanov uslubida aniqlandi.

Ildiz vaznini aniqlash uchun 60x5x30 sm o'lchamda monolit kovlab olinadi, ildizlar yuvilgan va ho'l hamda quruq holatda tortiladi. Hamda shu usulda kovlab olingan ildizlar yuvilib undagi tunganaklar ajratiladi va tunganak soni, tunganak vazni aniqlandi. Tadqiqotlardan olingan barcha natijalar B.A.Dospexov uslubida bo'yicha dispersion tahlildan o'tazildi.

### **TADQIQOT NATIJALARI**

Biologik imkoniyati bo'yicha soya navlarining don tarkibidan boshqa dukkakli o'simliklarga nisbatan juda yuqori oqsil va moy olish imkoni bor va aynan biz olib brogan tadqiqotimizda ham ushbu faktorlarga etbor qaratilgan.

Soya navlari va maxsus faol rizobium bakteriyalarining shtammalari orasida o'tadigan simbioz evaziga tuproqda ma'lum bir miqdorda tuproq unumdorligini oshiradigan biologik azot to'planadi. Buning evaziga soyadan keyin ekiladigan ekinning hosili oshadi, olinadigan mahsulot arzoniga tushadi, chunki mineral azot o'g'iti kam qo'llaniladi, atrof muhitining